



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2007 йил
24 март
ШАНБА
№ 24
(11.931)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нарҳда сотилади

ВИЛОЯТИМИЗДА НАВРЎ ШУКУҲИ



Бугун диёримиз узра баҳорий насимлар эсмоқда. Борлиқдаги жамик уйғониш, янгилиниш ва яшариш озод ва обод Ватанимизга улуг айём, қут-барака элчиси — Наврўзи олам кириб келганидан дарак бермоқда. Бу кўҳна ва ҳамиша навқирон Она-заминда шундай азалий урф-одатлар, айёмлар борки, уларнинг замирида ҳар бир миллатнинг ўзига хос анъаналари мўҳасамдир.

Наврўз мустақил юртимизда бунёдкорлик, яратиш, ҳар бир инсон қалбида янги орзу-умидлар уйғотувчи йилбоши айёмдир. Биз уни ҳамиша интиқлик билан кутамиз. Бу йил ҳам Наврўзи олам тантаналари азим Тошкент шаҳрининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида қарнай-сурнай, ногорою доиралар садоси остида бошланди. — Она-заминимиз ямғири либосига бурқаниб, ўзининг бетакор кўрку жамолини намён қилаётган, баҳор нафаси уфуриб турган шу нурафшон кунларда барчамиз интизор бўлиб, орзикиб кутадиغان Наврўзи олам юртимизга кириб келмоқда, — деди Юртбошимиз байрам табригида.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари халқимизга мансуб олижаноб фазилатлар, баркиенглик ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ҳамда ўзаро ҳурмат каби маънавий қадриятлар хусусида тўхталиб, бу каби маънавий иқлим қўлга киритилаётган ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам гарови эканлигини алоҳида таъкидлади. Янги кун тонги вилоятимиз шаҳар ва туманларига ҳам ўзгача руҳ ва шодлик олиб келди. Қўлам одотиб пурвикро тоғлар узра вилоятимизнинг баҳра гўшаларига ўзининг саховат нурилари сочи. Киру далалар

ҳаваскорлик дасталари кун буйи йилгиланлар хизматида бўлди. Таниқли хонандалар, ҳаваскор ёш созандаю кўшиқчилар ўзларининг байрамона руҳдаги куй-кўшиқлари, дилбар рақслари билан барчани хушнуд этдилар. Турли миллат вакиллариининг миллий анъаналар руҳидаги бадий чиқишлари байрам тантаналарига ўзгача фойз киритди.

Бу йил ҳам байрам анъаналарига амал қилиниб, жойларда турли савдо-армаркалари уюштирилиб, халқ амалий санъати



Наврўз тантаналари вилоятимизнинг олис-яқин шаҳар ва қишлоқларида янги-янги байрам давом этмоқда.

лари субҳидамдан тўкин дастурхон атрафига тақлиф қилиндилар. Дошқозонларда дамланган ош, сумалағу халимлар, қўлам ноз-неъматлари дастурхонга тортилди. Кексалар оқ фотиҳаси олинган, ҳамма жойда Наврўз сайли, шўх-шодон тантаналар бошланиб кетди. Бадий

МАВСУМГА ШАЙ

Бўка тумани машина-трактор парки акциядорлик жамияти жамоаси 2007 йилги экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Корхона тасарруфида 18 та «Магнум» трактори, 25 та галла комбайни ва 25 та пахта териш машиналари бор. Барча техника воситалари ва мосламалар баҳорги экиш мавсумига тахт қилиб қўйилди.

Туманда фаолият юри-таётган 800 дан зиёд фермер хўжаликлари билан ўзаро шартнома тузилди. Корхона жамоаси ички имкониятларидан келиб чиқиб, фермерларнинг 7 минг гектардан ортиқ ер майдонларини экишга тайёрлаб беришди. Утган йили 1 миллиард 200 миллион сўмлик иш бажарилиб, 21 миллион сўм соф фойда олинган бўлса, бу йил 1 миллиард 250 миллион сўмлик хизмат кўрсатилиши кўзда тутилган. Машина-трактор парки жамоаси қишлоқ хўжалик ходимларига, фермерларга техник хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Германияда ишлаб чиқарилган «Класс» русумли 2 та комбайн олиб келиш арасида.

Ашуралӣ БОЙМУРДОВ.

2007 йил — Ижтимоий Ҳимоя йили



БАХТ УЙИДАГИ САХОВАТ

Наврўз айёми кунларида вилоятимизнинг бир қатор йирик саноат корхоналари аҳолининг кам таъминланган қатламини, жумладан, ёлғиз кексалар ва ногиронларни ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида хайрли тadbирлар ўтказмоқда. «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ҳам саховат кўрсатишда фаол қатнашмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда баҳорий айём муносабати билан бу ишларга алоҳида эътибор берамиз, — дейди корхона касаба қўмитаси раиси Илҳом Қурбанов. — Байрам кунлари Бекобод шаҳридаги «Бахт уйи»да шаҳар ва туманлардаги ногирон болаларга дастурхон ёзилиб, байрам тантанаси ўтказилди. Уларнинг 130 нафарига

Суратда: тadbир лажзалари. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Ўқувчиларга Ёрдам

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Физика-қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси хузуридаги материалшунослик институти олимлари «Қуёш қўрғончаси»даги мактабни оталиққа олиб, иктидорли ўқувчилар билан физика, математика ва информатика фанлари бўйича қўшимча машғулотлар ўтказиш япти. Гелиоматериалшунослик лабораторияси ҳам ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилди. Ўқувчилар ўртасида паст хароратли қуёш қурилмаларидан фойдаланишга доир рефератлар танловини ўтказишга ҳам институт ходимлари яқиндан бош қўшишмоқда. Акбар АЛИЕВ.

«Ўзбекқўмир» очик акциядорлик бирлашмаси тасарруфида автотранспорт бошқармасига сўнгги бир йил ичида «Беларусь» автомобиль заводидан юзга яқин транспорт воситалари келтирилди.

ТЕХНИКАЛАР — ХОРИЖДАН

— Аввало, бу ҳукумати-мизнинг тизимни модернизациялаш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жалб этиш бўйича 2000-2010 йилларга мўлжалланган давлат дастури ижроси йўлидаги савий-харакатлар ифодасидир, — дейди бошқарма бошлиғи Файрат

Мусајонов. — Шу йилнинг биринчи қорағида кўмир ва тоғ жинсларини ташиш режаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 130 физини ташкил этди. Шунингдек, машина-механизмларга хизмат кўрсатиш ҳам анча яхшиланди. Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

Янги анъаналар

МУРУВВАТ КЎРСАТГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Вилоятимиз туман ва шаҳарлари бўйлаб Наврўз шодиеналари кўтаринки руҳда давом этаётган бир пайтда халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик фазилатлари янада яқинлашиб кўрсатишмоқда. Бинобарин Президентимиз кўни кеча Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидлаганидек, шу мунав-

вар кунларда ҳар қайси инсон вужудида яқинлирига меҳр-оқибат кўрсатиш, табаррук қарияларимизнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, бемор ва муҳтож одамларга беминнат ёрдам ва кўмак беришдаги савобли, барчамизнинг юрак-юракимизда сингиб кетган туйғулар ўзини ёрқин намён этади. Дарҳақиқат, бунинг жойларда ўтказилаётган «Саховат» акциялари мисолида ҳам кўриш мумкин. Байрам кунлари мазкур хайрия тadbирли Кибрай туманида яна бир бора ташкил этилди. Акцияда тумандаги кўпгина корхона ва фирмалар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, хусусий тadbиркор ҳамда фермерлар бу сафар ҳам фаол қатнашдилар. Оиламиз учун бир бош сугир тўхта этишгани биз учун чинакам байрам совғаси бўлди, — дейди Кибрай шаҳарчасида истиқомат қилувчи Нодира Ақромова. — Бу та-

Қадим қадриятларимиз ЯНГИЛАНИШ МАДҲИЯСИ

Одам боласи дунёга келибдики, турмушнинг мазмун ва моҳиятини англаш, бу кўҳна заминни яшатиш, унга кўркамлик бағишлаш, ҳаётига қут-барака киритишга интилади. Ўз орзу-умидларини шу иштиёқ билан боғлайди, шунга мутаносиб ишлаш, яратиш, ижод қилишни бутун умрининг мақсадида айлантиради.

Бу жараёнларда инсон ҳаётида турли одатлар, маросимлар, анъаналар шаклланади, бир-бири билан уйғунликда такомилга етказилади. Уларнинг бирлари илоҳий билим боғлиқ маросимлар бўлиб, турмушга сингса ёки унутилиб кетса, бошқалари халқнинг мавсумий байрамлари қаторида даврлар оша янги-янги авлодлар ҳаётида тақдорланиб, янгилаш мазмун ва моҳият касб этиб бораверади. Наврўз ана шундай халқ байрами. Улуг аллома Беруний ўзининг қадим халқлардан қолган анъаналарга бағишланган машҳур рисолисиде ёзишча, Наврўз байрами азал-азалдан борлиқда уйғониш палласи бошланганида нишонланишни таъкидлайди. У дала-қирлар кўм-кўк ўт-ўланлар билан қопланиб, яйловлар қўй-қўзилар билан тўлган, қоқилулар очилиб, экинлар униб чиқиб, авж олгунча байрам қилинган. Марказий Осиё халқларининг қадим қўлёзма асари «Авесто»да Наврўз ва унинг удуму анъаналарига инсоннинг табиат билан уйғунлигини намён этувчи шукроналик кунлари, шодиёна онлар сифатида таъриф берилди.

Кадим аждодларимиз йил фаслларининг ҳар бирини ўзига хос байрам билан нишонлашга одатланишган. Наврўз — борлиқнинг янги-янгилини, қиш қаҳрини енгиб, табиат уйғонишини шод-хуррамлик билан қутиб олиш байрами сифатида нишонланган. Наврўз дастлаб инсон ҳаётидаги кундалик бир воқеадек оддийгина ўтган. Бора-бора, турмушнинг маънавий эҳтиёжи ошгани сари, анъанавий байрамга айланган. Замонлар оша у янги-янги жиҳатлар, қўри-нишлар касб этиб, мазмун-моҳияти бойиб борган.

Кўпдан-кўп қўлёзма асарларда Наврўз байрами турли даврларда қандай нишонланганини қўлиб кўриш мумкин. Айтайлик, улуг фойласуф шоир Умар Ҳайём ўз «Наврўзнам»сиде ёзишча, бу байрам арафасида одамлар ҳовли-жойларини тозалашган, хоналарни ораста қилишган, гул ва кўчатлар экишган. Кишилар кекса ёки касалдан қариндош-уруғларини бориб қўришган.

Бу маълумотларни ўқисанг, буюқ аллома гўё бугунги кунларимиз, бизнинг ҳаётимиз ҳақида ёзгандек туюлади. Зеро, бу қадим


(Давоми 2-бетда).



рақами ва сайёр кассаларга коммунал тўловлар учун 11 миллион 650 минг сўм пул келиб тўшди. «Саховат» акциялари вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарлари бўйлаб ўтказилган бўлсада, меҳр-мурувват ва бағрикенгликнинг чек-чегара-

си йўқ. Бинобарин хайру-саховат кўрсатиш, одамларга беғараз қўлмақ бериш мақсадида уштартилайтган бу каби тadbирлар йил буйи давом этади. Файрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири. Суратда: акция пайти. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Баўрам тухраси



Кўламли бунёдкорлик

Кейинги йилларда, юртимизда байрамлар муносабати билан замонавий корхоналар, турар-жойлар, коллеж ва лицейлар, тиббиёт муассасалари, раvon йўллар, боғ ва хиёбонлар бунёд этиш яхши анъанага айланиб бормоқда.

Шу байрам кунлари вилоятнинг қайси шаҳар ёки туманига борманг, қад ростлаётган бир-бирдан кўркам иншоотларни, бунёд этилаётган хушманзара хиёбонларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Таълим муассасаси бўладими, ишлаб чиқариш ёки маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари бўладими, ҳар бирининг қурилишида янги-янги лойиҳалар қўлланиб, миллий меъморчилик анъаналари асосида, замонавий кўринишда бунёд этиш

алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Узоқ-яқин қишлоқларда кўли гул усталаримиз, моҳир қурувчиларимиз томонидан бунёд этилаётган ҳар бир иншоот, албатта, халқнинг фаровон турмуши учун хизмат қилади. Қувонарлиси шундаки, бу ишлар замирида худудларнинг ободонлиги, кўрсатилаётган хизмат турларининг янада кенгайтиши, минглаб янги иш ўринларини яратиш сингари эзгу ниятлар муҳасам.

Бу йилги Наврўз айёми

арафасида ҳам қурилиш соҳасида кенг кўламда хайрли ишлар амалга оширилди. Чунончи, биргина Янгийўл шаҳрида ўндан зиёд иншоотлар фойдаланишга топширилди. «Лаззат» қандолатчилик ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятида иш суръатини янада ошириш, ишловчиларга кўшимча шароитлар яратиш мақсадида қайта тиклаш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Қатор умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. «Йўлдош ота», «Қут-баракат» ресторани ишга туширилди, ўнлаб катта-кичик савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ўз фаолиятини бошлади.

Бўстонлик ва Юқоричиқ туманларида ҳам ўнлаб янги савдо тармоқлари, ишлаб чиқариш корхоналари қад ростлади, қишлоқ врачлик пунктлари капитал таъмирланиб, янги қиёфа касб этди. Бекобод шаҳрида турли хизмат шохобчалари билан бир қаторда радио ва телевидение узатиш станциясининг иш бошлагани шаҳар аҳолисига муносиб тухфа бўлди. Олмаликликлар бу борада ибратли ишларни амалга оширишди. Пириқуллов ва «Тошкент йўли» кўчаларида 60 га яқин кичик хизмат кўрсатиш тармоқлари бунёд этилди. Қўйичиқ тумани Тошовул қишлоғида замонавий Агросоноат касбхона коллежи бунёд этилди.

Албатта, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари замирида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ҳам муттасил ошиб боради, неча минглаб мумкин иш ўринлари яратилади. Янги-янги бинолар битказилиб, туман чиройига чирой қўшади, чор-атроф янада гўзаллашади.

Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СУРАТЛАРДА:

байрам арафасида Чиноз туманида 3 минг нафар аҳолига хизмат қиладиган қишлоқ врачлик пункти; «Чиноз-Наврўз-Баракат-сервис» масъулияти екланган жамиятининг янги қиёфа ва мазмун билан қайтди.

Даврон АХМАД олган суратлар.

ЯНГИЛАНИШ
МАДҲИЯСИ

Афсуски, даврлар, замонлар ўтиши билан ҳаётнинг бу асосларига муносабатлар ўзгарди. Цивилизация деб аталмиш тўфонли жараён, бир томондан одам боласи турмушини янги мазмун билан бойитди, иккинчи томондан атроф-муҳитнинг булғаниб, ифлосланишига олиб келди.

Хали-хали эсимда: болалик кезларимиз тоғлар ён бағрида кип-қизил ловуллаб турган лозорларга сайлга чиқардик. Хумсонда лолалар ёлғизоқ йўллар бўйларини ҳам яшатиб, кип-қизил очилиб ётарди. Боғларимиз эта-гида, қир-адрларда ловуллаб турарди.

Биз ўтмиш аждодларнинг мана шу табиий гўзалликка, атроф-муҳитга боғлиқлик анъанасини унутиб қўйдик ҳисоби. Экологик маданият устуворлиги, табиат билан уйғунлиқни сақлаб қолиш муаммолари долзарб тус олди. Шу маънода Наврўз байрамнинг маънавий-эстетик аҳамияти ниҳоятда юқори. У одамларда табиатга ошуфталик, демакки, она-замин, юрт, мамлакат, Ватанга муҳаббат туйғусини қайта уйғотпти. Бу азалий байрам ҳаётимизга янги қиёфа ва мазмун билан қайтди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тарихда Наврўзга хуружлар кўп бўлган. Уни йўқотиш билан ғанимлар халқни ўзининг қимлигини унутишга маҳкум этиб, ўзигидан маҳрум қилишга эришмоқчи бўлганлар. Босқинчи Александр Македонский муқаддас «Авесто» китобини ёқиб, Наврўз байрамини нишонлашни тақиқлаб қўйгани ҳақида маълумотлар бор. Қўхна тарих мобайнида бундай ҳолларни кўп учратиш мумкин эди.

Ўтган аср Наврўзга энг кучли ҳужум қилинган давр сифатида тарихда қолди. Шунчалики, ҳатто, бу қадим байрамнинг номини ҳам йўқотишга уриниб кўришди. Бирок, инсонпарварлик ва ёруғ кунларга ишонч руҳи барча хуружлардан устун чиқди, Наврўз уларнинг барчасига дош бериб, яшаб қолди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида бошланган миллий уйғониш жараёни 1989 йили Наврўз Ўзбекистонда илк бор умумхалқ байрами сифатида нишонланишига олиб келди. Бу миллий ўзлиқни англаш, миллий ифтихор туйғусини тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этди. Наврўз мамлакатимизда яшовчи 130 дан зиёд миллат ва элат фарзандлари – Ўзбекистон халқининг умумхалқ байрами бўлиб қолди. Наврўз кунлари ша-

ҳар ва қишлоқларимизда рус, украин, арман, яҳудий, татар, бошқирд ва бошқа миллатларнинг вакиллари оммавий сайлга чиқиб, ўз санъат ва маданиятлари, урф-одатларини намойиш қилишади. Шу тарихда Наврўз оддий маросимдан маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-эстетик аҳамияти ниҳоятда юқори бўлган умумхалқ байрамига айланиб кетди. Наврўз кунлари лола сайли, гул базмлари, сума-лак оқшомлари ўтказилади.

Наврўз рўйи-азалдан пок-ланиш, эски гина-қудуратларини унутиш палласи сифатида нишонланади. Бу байрам кунлари, ҳатто, уруш ҳаракатлари ҳам тўхтатиб турилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан бу йил – Ижтимоий Ҳимоя йили деб эълон қилинди. Байрам кунлари умуммиллий дастур асосида кенг кўламли хайрия тадбирлари амалга оширилди. Ҳар йили Наврўз халқ ва мамлакат ҳақида янгилашни ва ривожланиш ҳисоботи сифатида нишонланмоқда. У меҳнатга, ижодга, инсон бахт-саодатига ҳаётбахш ва улғувор бир мадҳия бўлиб қолаверди.

Тилаб МАҲМУДОВ,
фалсафа фанлари
доктори, профессор.

Иқротиҳор

ОДАМЛАРГА МЕҲР УЛАШИБ

Шод-хуррамлик, кўнгиш тўқ ва хотиржам кезлари тинч-осойишта ҳаётнинг учун шукроналик қайфияти қалбингизни чулғаб олади. Ўз ҳаётингиз, атрофингиздаги ажойиб инсонлар, улар даврасида яйраб-яшнаб меҳнат қиладиганлигингизни ўйлаб, тўлқинланасан, киши. Шу Наврўз кунлари мен айна шундай қайфиятдаман.

Бунинг асосий сабаби, шукрки, кўп йиллардан буён ажойиб мутахассислар даврасида яшаб, меҳнат қилмоқдаман. Бизнинг вилоят марказий шифохонамизга ўз касбига алоҳида меҳр қўйган, одамлар соғлигини тиклаш борасида тинмай изланувчи тиббиёт ходимлари жамланган. Тажрибали шифокорларимиздан Дилором Юсупова, Клара Алимова, Лобархон Болтаева, Наталья Попова, Лариса Евдокимова, Муқаддас Камолова, Лидия Чижова, Мақсуда Икромова вилоятимизнинг олис-яқин шаҳар ва туманларидан ўз дардларига даво излаб келган беморларни фақат тиббий муолажалар билан эмас, балки кўнгишларни кўтарувчи, дилларда яхши кунларга ишонч уйғотувчи сўзлари билан ҳам даволайдилар.

Ижтимоий Ҳимоя йилида аҳоли соғлигини сақлаш, одамларга тиббий ёрдам кўрсатиш яхшиланмоқда.

Бу йил ҳам Наврўз байрами шифохонамиз учун изли-қутли келди. Шу кунларда болалар бўлими тўла таъмирланиб, қайта жиҳозланди. Бу ишлар учун ви-

лоят ҳокимлиги 141 миллион сўм маблағ ажратди. Педиатрия бўлимида беморларни қабул қилиш-даволаш жараёнлари қайта ташкил этилиб, бир қатор кулайликлар яратилди.

Яна бир қувончли гап: лаборатория бўлимига замонавий «Хоспитекс» аппарати ўрнатилиб, ўқув маркази ташкил этилди. Унда вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги шифохоналарнинг лаборантлари ўз маълумотларини оширадидилар. Машғулотларни шифохона-мизнинг тажрибали мутахассислари, малака ошириш институти ходимлари олиб боришади. Бунинг учун бўлимга 450 минг сўмлик реактивлар ажратилди.

Ҳа, Наврўз байрамининг ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги ўрни алоҳида. Барчамиз учун ягона Ватан — Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир миллат ва элат фарзандлари бу саховатпешалик, бағрикенглик, меҳр-оқибат байрамини ҳар йили катта шод-хуррамлик, зўр қувонч билан нишонлаймиз.

Лидия ЗАВАРДИНА,
вилоят марказий
шифохонасининг
навбатчи шифокори.

Хотира

ЗЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Инсон умрини мол-мулк, бойлик эмас, бугунги ва эртанги кун орзуси йўлидаги ҳалол меҳнат, эзгу амаллар, савоб ва бераз ишлар безайди. Ана шу мезон чин инсонийликни баҳоловчи одил тарозудир. Чин дўст, етук мутахассис, фидойи шахс сифатида Кўчкор Олимжонов ўз умрини ана шундай юксак мезонлар билан безай олган инсон эди.

1959 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институти-нинг агроном-иқтисодчи факультетини муваффақиятли тугатган К. Олимжонов меҳнат фаолиятини Тошкент туманидаги Охунбоев номи жамоа хўжалигида иқтисодчи сифатида бошлади. Файратли, ўз вазифасига масъулият билан ёндаша олган ёш кадр тез орада туман статистика бўлимига ишга қабул қилинди.

Ташаббускор мутахассис сифатида танилган Кўчкор Олимжонов 1964 йилдан бошлаб Республика режалаштириш кўмитасининг қишлоқ хўжалик бўлимида меҳнат фаолиятини давом эттирди. Бу ишончли самарали меҳнати билан оқлаб, ҳамкасблари ўртасида обрў-эътибор орттирди.

Ҳаётда баъзан қутилмаган сўкмоқларга дуч келинади. Кўчкор Олимжонов бундай кезларда руҳан чўкмасликка ҳаракат қилиб, доим олдинга итилиб яшади. Мазкур

кўмитада у 1992 йилга қадар – ўттиз йил катта иқтисодчи, тайёрлов бўлими бошлиғи, табиати муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўлими бошлиғи лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Кўчкор Олимжонов шахсий ҳаётда ҳам ғамхўр, меҳрибон, оилапарвар инсон сифатида ҳурмат-иззатга эга эди. Фарзандлари, невараларининг камоли борасида мудом қайғуриб яшади. Маҳалладошлари, яқинлари, дўст-биродерлари бу камтарин инсоннинг ана шу фазилатларини жуда қадрлар ва унга ҳавас қилар эди.

Умр – югурик, дейдилар. Ана шу югурик лаҳзалардан иборат ҳаётини, меҳнат фаолиятини Кўчкор Олимжонов ибратли тарзда босиб ўтди. Ундан қолган ёрқин таассурот барча яқинлари, дўст-биродарлари хотирасида мангу яшашига шубҳа йўқ.

Акмал ВАЛИЕВ.

**Наврўз – янгилашиш,
яшариш айёми.**

**У қалбларга сурур,
жўшқинлик бағишлайди,
юртни яшилликка буркайди.**

**«Чирчиқ-гўшт»
агрофирмаси**

**халқимизнинг барча орзу-истаклари
рўёбга чиқишини чин дилдан тилайди.**

**Юртимиз тинч, хонадонларимиз обод,
дастурхонимиз тўкин бўлсин.**

Азизюртдошлар!

Давлат ветеринария назорати бошқармаси

Сизларни азалий ва саодатли айём –

Наврўзи олам

билан қизғин муборақбод этиб,
барчангизга шодлик,
хонадонларингизга хотиржамлик ва
кут-барака тилайди.

Аъло кайфият ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2007 йил 10 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залыда бошлангич баҳоси босқича-босқич охири бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объекти қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти Янгийул тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, 2006 йил 18 апрелдаги 11-0610/1299-ижро ҳужжатига асосан, Янгийул тумани, Халқобод қ.ф.й.да жойлашган, "Мухайё" фермер хўжалигига қарашли омборхона бинолари. Қурилган жой участкаси 133,89 кв.м. Бинолар таъмирталаб.

Бошлангич баҳоси – 4 090 410 сўм.

Ушбу кўчмас мулк объекти сотилмаган тақдирда 2007 йил 12, 17, 19, 24, 26 апрель, 1, 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24, 29, 31 май ва 5, 7 июнь кунлари ўтказиладиган такрорий аукцион савдоларига қўйилишини маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошлангичидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юрidik ва жисмоний шахслар) объект бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини РКМБнинг АТИБ "Ипотека-банк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 2021000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Телефонлар: 399-79-52, 133-28-52.
Интернетдаги сайти: www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 26	СЕШАНБА 27	ЧОРШАНБА 28	ПАЙШАНБА 29	ЖУМА 30	ШАНБА 31	ЯКШАНБА 1
ЎЗБЕКИСТОН 1tv 5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.45 "Тахлиннома" 8.45 ТВ анонс. 8.50 Олтин мерос. 9.00 "Ўзгалиқ сабоғи". 9.50 "Баланд тоғлар остида" фильми. 10.20 ТВ анонс. 10.25 "Юсуф ва Зулайхо". Видеофильм. 10.55 Дунё иқлими. 11.00 "Ахборот". 11.15 ТВ анонс. 11.15 "Симанглик меҳрибон". Телеспектакль, 2-қисм. 12.30 "Симанглик меҳрибон". Телеспектакль, 2-қисм. 13.50 Олтин мерос. 13.55 Дунё иқлими. 14.00 "Ахборот". 14.15 ТВ анонс. 14.20 "Қусто командасининг сув ости саргузаштлари". 15.10 "Дил таронаси". 15.20 "Завоат". 16.20 "Бир ўлка-ки". 16.40 "Эртақлар - яхшилик етаклар". 17.00 "Ахборот". 17.15 Олтин мерос. 17.20 "Юртим бўйлаб" дастури: "Наврўзи савдоси". 17.45 "Оханлар оғушида". 17.55 "Ерга меҳр - алга меҳр". 18.20 "Ўзбекистон аёли". 18.40 "Ошин". Т/с. 19.10 ТВ анонс. 19.15 "Молия ва банк хабарлари". 19.20 Дунё иқлими. 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар. 19.30 "Ахборот" (рус тилида). 20.00 ТВ анонс. 20.05 "ТВ шифокор". Т/с премьераси. 20.10 "Оила ришталари". Т/с. 21.00 "Ахборот". 21.35 ТВ анонс. 21.40 "Бир ўлка-ки". 22.00 "Икки тақдир". Т/с премьераси (Хўжалиқ). 22.45 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Своя берши). 22.55 "Юртим бўйлаб" дастури: "Икки дарё оралгида". Видеофильм, 1-қисм. 23.15-23.20 Тунги наволар.	ЎЗБЕКИСТОН 1tv 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.35 "Ахборот". 8.40 Олтин мерос. 8.50 "Икки дарё оралгида". 9.15 "Баланд тоғлар остида" фильми. 9.45 "Ерга меҳр - алга меҳр". 10.15 "Юсуф ва Зулайхо". Видеофильм. 10.50 "Молия ва банк хабарлари". 10.55 Дунё иқлими. 11.00 "Ахборот". 11.15 "ТВ шифокор". 11.20 "Оила ришталари". Т/с. 11.55 Самарқанд - 2750. 12.00 "Ахборот". 12.10 "Усимликлар дунёси". 12.20 "Умир дафтари". М. Уйгур, 1-қисм. 12.45 "Умир дафтари". М. Уйгур, 2-қисм. 13.05 "Икки тақдир". Т/с. 13.45 Олтин мерос. 13.55 Дунё иқлими. 14.00 "Ахборот". 14.20 "Қусто командасининг сув ости саргузаштлари". 15.10 "Дил таронаси". 15.20 "Завоат". 16.20 "Бир ўлка-ки". 16.40 "Эртақлар - яхшилик етаклар". 17.00 "Ахборот". 17.15 Олтин мерос. 17.20 "Юртим бўйлаб" дастури: "Наврўзи савдоси". 17.45 "Оханлар оғушида". 17.55 "Ерга меҳр - алга меҳр". 18.20 "Ўзбекистон аёли". 18.40 "Ошин". Т/с. 19.10 ТВ анонс. 19.15 "Молия ва банк хабарлари". 19.20 Дунё иқлими. 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар. 19.30 "Ахборот" (рус тилида). 20.00 ТВ анонс. 20.05 "ТВ шифокор". Т/с премьераси. 20.10 "Оила ришталари". Т/с. 21.00 "Ахборот". 21.35 ТВ анонс. 21.40 "Бир ўлка-ки". 22.00 "Икки тақдир". Т/с. 22.45 "Қўшиғимсан, муҳаббат". 22.55 "Икки дарё оралгида". 2-қисм.	ЎЗБЕКИСТОН 1tv 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.35 "Ахборот". 8.40 Олтин мерос. 8.50 "Икки дарё оралгида". 9.15 "Баланд тоғлар остида" фильми. 9.45 "Ерга меҳр - алга меҳр". 10.15 "Юсуф ва Зулайхо". Видеофильм. 10.55 "Молия ва банк хабарлари". 10.55 Дунё иқлими. 11.00 "Ахборот". 11.15 "ТВ шифокор". 11.20 "Оила ришталари". Т/с. 11.55 Самарқанд - 2750. 12.00 "Ахборот". 12.10 "Усимликлар дунёси". 12.20 "Умир дафтари". М. Уйгур, 1-қисм. 12.45 "Умир дафтари". М. Уйгур, 2-қисм. 13.05 "Икки тақдир". Т/с. 13.45 Олтин мерос. 13.55 Дунё иқлими. 14.00 "Ахборот". 14.20 "Қусто командасининг сув ости саргузаштлари". 15.10 "Дил таронаси". 15.20 "Завоат". 16.20 "Бир ўлка-ки". 16.40 "Эртақлар - яхшилик етаклар". 17.00 "Ахборот". 17.15 Олтин мерос. 17.20 "Юртим бўйлаб" дастури: "Наврўзи савдоси". 17.45 "Оханлар оғушида". 17.55 "Ерга меҳр - алга меҳр". 18.20 "Ўзбекистон аёли". 18.40 "Ошин". Т/с. 19.10 ТВ анонс. 19.15 "Молия ва банк хабарлари". 19.20 Дунё иқлими. 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар. 19.30 "Ахборот" (рус тилида). 20.00 ТВ анонс. 20.05 "ТВ шифокор". Т/с премьераси. 20.10 "Оила ришталари". Т/с. 21.00 "Ахборот". 21.35 ТВ анонс. 21.40 "Бир ўлка-ки". 22.00 "Икки тақдир". Т/с. 22.45 "Қўшиғимсан, муҳаббат". 22.55 "Икки дарё оралгида". 3-қисм.	ЎЗБЕКИСТОН 1tv 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.35 "Ахборот". 8.40 Олтин мерос. 8.50 "Икки дарё оралгида". 3-қисм. 9.15 "Цирк, цирк, цирк". 9.40 "Табарук замин". 10.10 "Юсуф ва Зулайхо". Видеофильм. 10.45 "Молия ва банк хабарлари". 10.55, 13.55, 19.20, 20.50 Дунё иқлими. 11.00 "Ахборот". 11.15 "ТВ шифокор". 11.20 "Оила ришталари". Т/с. 11.55 Самарқанд - 2750. 12.00 "Ахборот". 12.10 "Усимликлар дунёси". 12.20 "Умир дафтари". М. Уйгур, 1-қисм. 12.45 "Умир дафтари". М. Уйгур, 2-қисм. 13.05 "Икки тақдир". Т/с. 13.45 Олтин мерос. 13.55 Дунё иқлими. 14.00 "Ахборот". 14.20 "Қусто командасининг сув ости саргузаштлари". 15.10 "Дил таронаси". 15.15 "Отлар сузи - аклнинг кўзи" хазинаси. 16.05 Ю. Ражабий номидаги мактаб ансамблининг концерти. 16.25 "Меҳр кўзда". 16.45 "Эртақлар - яхшилик етаклар". 17.00 "Ахборот". 17.15 "Саломатлик дастури". 17.35 "Фанимиз дағралари". 1-қисм. 17.55 "Минг бир ривоят". 18.00 "Этиқода мустақиллиги йўлида". 18.20 "Фанимиз дағралари". 2-қисм. 18.40 "Ошин". Т/с. 19.30 "Ахборот". 20.05 "ТВ шифокор". Т/с. 20.10 "Оила ришталари". Т/с. 21.00 "Ахборот". 21.40 "Одамлардан бири". 21.50 "Дил таронаси". 22.45 "Қўшиғимсан, муҳаббат". 22.55 "Икки дарё оралгида". 4-қисм.	ЎЗБЕКИСТОН 1tv 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.35 "Ахборот". 8.40 Олтин мерос. 8.50 "Икки дарё оралгида". 9.15 "Цирк, цирк, цирк". 9.40 "Табарук замин". 10.10 "Юсуф ва Зулайхо". Видеофильм. 10.45 "Молия ва банк хабарлари". 10.55, 13.55, 19.20, 20.50 Дунё иқлими. 11.00 "Ахборот". 11.15 "ТВ шифокор". 11.20 "Оила ришталари". Т/с. 11.55 Самарқанд - 2750. 12.00 "Ахборот". 12.10 "Усимликлар дунёси". 12.20 "Умир дафтари". М. Уйгур, 1-қисм. 12.45 "Умир дафтари". М. Уйгур, 2-қисм. 13.05 "Икки тақдир". Т/с. 13.45 Олтин мерос. 13.55 Дунё иқлими. 14.00 "Ахборот". 14.20 "Қусто командасининг сув ости саргузаштлари". 15.10 "Дил таронаси". 15.15 "Отлар сузи - аклнинг кўзи" хазинаси. 16.05 Ю. Ражабий номидаги мактаб ансамблининг концерти. 16.25 "Меҳр кўзда". 16.45 "Эртақлар - яхшилик етаклар". 17.00 "Ахборот". 17.15 "Саломатлик дастури". 17.35 "Фанимиз дағралари". 1-қисм. 17.55 "Минг бир ривоят". 18.00 "Этиқода мустақиллиги йўлида". 18.20 "Фанимиз дағралари". 2-қисм. 18.40 "Ошин". Т/с. 19.30 "Ахборот". 20.05 "ТВ шифокор". Т/с. 20.10 "Оила ришталари". Т/с. 21.00 "Ахборот". 21.40 "Одамлардан бири". 21.50 "Дил таронаси". 22.45 "Қўшиғимсан, муҳаббат". 22.55 "Икки дарё оралгида". 5-қисм.	ЎЗБЕКИСТОН 1tv 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.35 "Ахборот". 8.40 Олтин мерос. 8.50 "Икки дарё оралгида". 9.15 "Цирк, цирк, цирк". 9.40 "Табарук замин". 10.10 "Юсуф ва Зулайхо". Видеофильм. 10.45 "Молия ва банк хабарлари". 10.55, 13.55, 19.20, 20.50 Дунё иқлими. 11.00 "Ахборот". 11.15 "ТВ шифокор". 11.20 "Оила ришталари". Т/с. 11.55 Самарқанд - 2750. 12.00 "Ахборот". 12.10 "Усимликлар дунёси". 12.20 "Умир дафтари". М. Уйгур, 1-қисм. 12.45 "Умир дафтари". М. Уйгур, 2-қисм. 13.05 "Икки тақдир". Т/с. 13.45 Олтин мерос. 13.55 Дунё иқлими. 14.00 "Ахборот". 14.20 "Қусто командасининг сув ости саргузаштлари". 15.10 "Дил таронаси". 15.15 "Отлар сузи - аклнинг кўзи" хазинаси. 16.05 Ю. Ражабий номидаги мактаб ансамблининг концерти. 16.25 "Меҳр кўзда". 16.45 "Эртақлар - яхшилик етаклар". 17.00 "Ахборот". 17.15 "Саломатлик дастури". 17.35 "Фанимиз дағралари". 1-қисм. 17.55 "Минг бир ривоят". 18.00 "Этиқода мустақиллиги йўлида". 18.20 "Фанимиз дағралари". 2-қисм. 18.40 "Ошин". Т/с. 19.30 "Ахборот". 20.05 "ТВ шифокор". Т/с. 20.10 "Оила ришталари". Т/с. 21.00 "Ахборот". 21.40 "Одамлардан бири". 21.50 "Дил таронаси". 22.45 "Қўшиғимсан, муҳаббат". 22.55 "Икки дарё оралгида". 6-қисм.	ЎЗБЕКИСТОН 1tv 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.35 "Ахборот". 8.40 Олтин мерос. 8.50 "Икки дарё оралгида". 9.15 "Цирк, цирк, цирк". 9.40 "Табарук замин". 10.10 "Юсуф ва Зулайхо". Видеофильм. 10.45 "Молия ва банк хабарлари". 10.55, 13.55, 19.20, 20.50 Дунё иқлими. 11.00 "Ахборот". 11.15 "ТВ шифокор". 11.20 "Оила ришталари". Т/с. 11.55 Самарқанд - 2750. 12.00 "Ахборот". 12.10 "Усимликлар дунёси". 12.20 "Умир дафтари". М. Уйгур, 1-қисм. 12.45 "Умир дафтари". М. Уйгур, 2-қисм. 13.05 "Икки тақдир". Т/с. 13.45 Олтин мерос. 13.55 Дунё иқлими. 14.00 "Ахборот". 14.20 "Қусто командасининг сув ости саргузаштлари". 15.10 "Дил таронаси". 15.15 "Отлар сузи - аклнинг кўзи" хазинаси. 16.05 Ю. Ражабий номидаги мактаб ансамблининг концерти. 16.25 "Меҳр кўзда". 16.45 "Эртақлар - яхшилик етаклар". 17.00 "Ахборот". 17.15 "Саломатлик дастури". 17.35 "Фанимиз дағралари". 1-қисм. 17.55 "Минг бир ривоят". 18.00 "Этиқода мустақиллиги йўлида". 18.20 "Фанимиз дағралари". 2-қисм. 18.40 "Ошин". Т/с. 19.30 "Ахборот". 20.05 "ТВ шифокор". Т/с. 20.10 "Оила ришталари". Т/с. 21.00 "Ахборот". 21.40 "Одамлардан бири". 21.50 "Дил таронаси". 22.45 "Қўшиғимсан, муҳаббат". 22.55 "Икки дарё оралгида". 7-қисм.

ЭЛИМИЗГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Наврўзга бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Республика Байналмилал маданият маркази ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда юртимиздаги миллий-маданий марказлар, жамоат ташкилотлари ва хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Республика Байналмилал маданият маркази ўзининг ўн беш йиллик фаолияти давомида юртимизда ахиллик ва осойишталик, ҳамжихатлик муҳитини мустахкамлашга йўналтирилган ташаббуслар, ранг-баранг тадбирлар, лоийҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Тадбирда юртимизда фаолият кўрсатётган миллий-маданий марказлар ўзининг бетакор ва ранг-баранг муносиқ дасурларини намойиш этди.

ЎзА.

Азиз ватандошлар! Ўз таровати ила борлиқни яшнатиб, дилларни сарафроз айлаган

Наврўз айёми барчангизга муборак бўлсин! Юртимизнинг ҳар гўшаси нурга тўлиб, тинчилик, тўй-тантанана, бахт-саодат ҳукм сураверсин! Халқимизнинг азалий анъаналари, тарихий қадриятларимиз Ижтимоий ҳимоя йилида янада ёрқинроқ юз очсин. Наврўз келтирган қувонч, қут-барака йилларга татисин.

«Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси» очиқ акционерлик жамияти



Машҳурлар ҳаётиман

ҲИРС КИМДА ЙЎҚ?

Бир куни Абдурахмон Жомий Ҳожа Аҳрор валининг зиёратига отланди. Йўлда энлиқкина ариққа дуч келди. Сакраб ўтаётди, чўнтагини ушлади. Унинг кисасида саккиз тиллоси бор эди.

Ҳожа Аҳрор валининг мол-дунёси беҳисоб эди. Яйловларда унинг минглаб моли ўтлаб юрар, булар муридлар тарафидан ҳазрат зшонга назр қилинган жонзотлар эди.

деб эшитамиз. Сиздек пири комилнинг молу манотга бу қадар ҳирс кўйгани ажаб ҳол эрур...

Ҳожа Аҳрор вали қулди:

Собир Термизий билан Рашидиддин Вотвот қалин дўст эдилар.

Улар кунда-кунора учрашиб, ўртага суҳбат дастурхонини ёзмаса, кўнгиллари тўлмас эди. Узун ва зериқарли қиш тунларининг бирида Рашидиддин уйига сизмай қолди.

Термизий деганлари?! Қишнинг шу изгирилиги тунда уйда ўтирса бўлмайди?

Собир, қани, дўстим не қилар экан, деб атай эшик очмай турган эди. Деразадан бошини чиқариб, пинда килди:

— Мен-ку, ўз уйимда ўтирибман. Бу Вотвот деганлар қанақа одам эканки, изгирилиги тунда уйда ўтирмай, бировларнинг эшигини уриб юрибди? Иккала дўст баравар қулиб юбордилар.

МУҚИМИЙГА ЛАҚАБ КЎЙГАН ҚИШЛОҚ

Мавлоно Муқимий қадим Яссига, Ҳожа Аҳмад Ясса-вий зиёратига отланди. Туркистонга етмай, йўл-йўлаккай Иқон қишлоғида тўхтади. Иқонликлар сўзга чечан, ҳазилқаш, меҳмон келса, ҳам жонини бериб, ҳам бирон лақаб қўйиб юборадиган жайдари халқ эди.

Эзинг ўртаси. Кун иссиқ. Тол туш. Қўнда эог ўнмайди. Шоир бир қултумгина кўк чой бўлсайди, деб билк-билк тупрок кешиб бораяпти. Шу пайт мулошидан шаталоқ отиб бир бузоқ чиқиб қолди.

Муқимий ичдида қулди: «Худого шукр. Қўча оғзидан кирмай туриб, лақаб орттирдик, бир-икки кун тур-сак, яна нечук унвонлар олар эканми?»

ҲУРМАТЛИ ЁШЛАР!

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими Кенгаши ҳамда вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорликда шу йил 26-29 март кунлари «НАВРЎЗ» умумхалқ байрами муносабати билан ўқувчи ёшларнинг баҳорги таътили мавсумида вилоятнинг барча маҳаллаларида «Миллий ўйинлар» фестивалини ўтказди.

1993 йил 4 мартда Ци-пилова Валентина Ильична номига ёзилган, 10-02/10147 рақамли, хонадонга эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ахборот технологиялари коллежи томонидан 1999 йилда Амирова Алла Валерьевна номига берилган 36209 рақамли билан рўйхатдан ўтган, КХТ 015151 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Яккасарой туманидаги «SPORT PROFIT» масъулияти чекланган жамиятига 2005 йил 1 апрелда берилган 001639 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Частное предприятие «SHONONA TAOM SERVIS» путем преобразования и правопреемства изменяет организационно-правовую форму на Общество с ограниченной ответственностью и увеличивает Уставный фонд с 25 000 до 833 333 сумов.

Шундаулар бор бўлсин БИР КОРХОНАДА ЯРИМ АСР

Ярим аср аввал эндигина ўрта мактабни битирган ўспирин Жўрабойни келажакнинг ширин орзу-ўйлари ўша пайтлари зиё маскани ҳисобланган босма-хона сари етаклади. Унинг назарида қўлма-қўл тарқаладиган, турли ажойиботлар битиладиган газетани яратувчилар бутунлай бошқача одамлар, мўъжизакор инсонлар бўлиб гавдаланарди.

Турли ўй-хаёллар билан босмахонага келган Жўрабой қўлда ҳарф тараётган опалар, баҳайбат ускунада газетга босаётган амакилар, қоғоз қирқаётган акаларни кўриб, уларнинг ҳаракатларини махлиб бўлиб кузатар, оппоқ қоғоз қандай қилиб газетгага айланаётганига ақли етмай, ҳайрон тикилар экан:



Ўтказиб кам бўлмади. Унинг меҳнат дафтарчасида фақат ягона корхонанинг номи битилган. У 40 йил давомида ана шу жамоага раҳбарлик қилди. Бу даврда қўллаб ишчи ва хизматчилар ҳукумат муқофотлари-га сазовор бўлишди. Жўрабой ақанинг қўқсини «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» нишони беэаб турибди.

— Ҳа, йигит, нимага ишламай серрайиб турибсан, — деган овоздан чўчиб тушди. Орқасига ўгирилган, қулимсираб турган амакини кўриб, бироз дадиллашди.

— Мен бу ерда ишламайман. Лекин газетачи бўлишни истайман, — деди Жўрабой.

Халиги амаки миктидан келган, зуваласи пишк, ёш бўлишига қарамай, оғир-вазмин, қарашлари бироз маънос йигитчага синчков назар ташлаб:

— Газетачи бўлишни хоҳласанг, бу ерга келиб жуда тўри қилибсан, — деб катта дастоҳ олдига бошлаб борди ва, — мана уста, шогирд олиб келдим, газетачи бўлмоқчи экан, — деди.

Жўрабой ишининг осон кўчганидан, уни дарров хизматга қўйишгандан гурурланиб, қандай қилиб кеч бўлганини ҳам билмай қолди...

Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтди. Жўрабой мустақил ишла бошлади. Энди у муқимлар ёзган мақолалар ҳарф терувчилар томонидан кўрғошинга кўчирилиб, саҳифаланиб, кейин босма дастоҳда чоп этилишини яхши тўшунар эди.

Шунча мутахассисларнинг қилган меҳнатини оппоқ қоғозга ўтказиб, газетга ҳолига келтираётганидан беҳад мамнун эди.

Жўрабой йиллар ўтиб матбаа устаси, кейинчалик ўртачирчиқ туманлараро босмахонаси директори лавозимига кўтарилди.

Жўрабой Ашуров ярим асрлик меҳнат фаолиятини бир корхона, бир жамоада

Жўрабой ақанинг 9 фарзанди ҳамда ўнлаб набиралари халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилишмоқда.

Жўрабой ака сингари туманимиз довуғини юртга таратган оксоқолларимиз билан фахрланамиз, — дейди ўртачирчиқ тумани хокими Максим Тешабоев. — Улар бизга яхши кунимизда ҳам, оғир давларда ҳам таянч, мададор.

Наврўзи олам шодиёналари давом этаётган улуг айём кунларида 70-баҳорини қаршилаётган Жўрабой ота ҳамон ҳаракатда: дам Ангрен, дам Ғазалкент, дам Зангиота босмахонасида ҳамкасблари даврасида, шогирдлари орасида хурматда, эъозда, Тинмайди, тинчмайди. Унинг ярим асрлик жўшқин меҳнат йўли ёшларга сабоқ бўлаверади.

Шавкат МИРАЛИМОВ.

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

Янгийўл шахридаги марказий ўйингоҳ Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг ташаббуси билан катта спорт тадбирига мезбонлик қилди. Бу ерда футбол, баскетбол ҳамда бадминтон бўйича турнирлар ўтказилди.

ЯНГИЙЎЛДА УЧРАШИШДИ


Мусобақа аввалида жамғарма томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларнинг 70 га яқин ўғил-қизларига спорт кийим-бошлари ҳамда анжомлар тақдим этилди.

Мусобақалар қизганидан кизиди: бирваракайга учта майдонда футболчилар тўп суришиди, залда томошабинлар бадминтон учрашувларини кузатишга ҳам улгуришди.

Яқини натижаларга кўра, футбол бўйича биринчи ўринни Янгийўл шахри ёшлари эгаллашди. Кумуш медални ўртачирчиқ тумани жамоаси кўлга киритди. Учинчи ўринга эса Янгийўл тумани ўйинчилари сазовор бўлди. Фоли ва совриндорларга эсдали совгалари топширилди.

Хуришда НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

ЯНГИБОЗОРЛИКЛАР БЎШ КЕЛМАДИ



Юқоричирчиқ туманидаги «Янгибозор» маданият ва истироҳат боғида «Маҳалламиз пахлавонлари» мусобақаси ташкил этилди. Унда Янгибозор шаҳарчаси ҳамда Оқовул қишлоғининг 7 дан 70 ёшгача бўлган полвонлари куч синишишди.

Феруза ТЎРАЕВА.

СУРАТЛАРДА: мусобақага тайёргарлик жараёнидан лавҳалар.



СУРАТДА: мусобақа пайти.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Эб-ҳаво

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 24 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда ёмғир ёғади. Ғарбдан секунди-га 7-12 метр тезликда эсаётган шамол баъзи жойларда кучайиб, секунди-га 15-20 метрга етади. Кечаси 5-10, кундузи 13-18 даража илқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда ёғингарчилик бўлади, туман тушади. Қор кўчиш ҳавфи бор. Ғарбдан секунди-га 7-12 метр тезликда эсаётган шамол баъзи жойларда кучайиб, секунди-га 15-20 метрга етади. Кечаси 2 даража совуқ, 3 даража илқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлади.

1993 йил 4 мартда Ци-пилова Валентина Ильична номига ёзилган, 10-02/10147 рақамли, хонадонга эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ахборот технологиялари коллежи томонидан 1999 йилда Амирова Алла Валерьевна номига берилган 36209 рақамли билан рўйхатдан ўтган, КХТ 015151 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Частное предприятие «SHONONA TAOM SERVIS» путем преобразования и правопреемства изменяет организационно-правовую форму на Общество с ограниченной ответственностью и увеличивает Уставный фонд с 25 000 до 833 333 сумов.

Претензии принимаются по адресу: Шайхантахурский район, м-в. Гулобод, дом 36, кв. 27.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09. Ёшонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилми: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер тартибда терилди ва саҳифаланди.